ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ СОҲАСИДА ИБН СИНОНИНГ ГНОСЕОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

ГНОСЕОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ИБН СИНЫ В ОБЛАСТИ ИСЛАМСКОЙ ФИЛОСОФИИ

GNOSEOLOGICAL PRINCIPLES OF IBN SINA IN THE FIELD OF ISLAMIC PHILOSOPHY

Isakdjanov RAMZJON RAXIMDJANOVICH,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
doctor of philosophy PhD, docent of the department religious study and UNESCO in the comparative study of world religions. ramzjon.isakdjanov@mail.ru
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2023/1/8

Аннотация: *Дунёда дин ва фалсафа уйғунлиги борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд бўлиб, уларда Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий таълимотлари мазкур минтақа маънавий меросининг муҳим қисми сифатида тадқиқ этилган. Марказий Осиёдаги мантиқий-гносеологик ғоялар тарихини ўрганиш нафақат ўтмиш маданияти ва фалсафасини, балки ҳозирги даврга хос ғоявий жараёнларни тўғри тушунишга ҳам имкон беради. Ибн Синонинг илоҳиётга доир гносеологик тамойиллари Ғарб мамлакатлари, россиялик, туркиялик, эронлик, тожикистонлик бир қатор олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, унинг диний-рационал қарашлари тизимли таҳлил қилинмаган. Олиб борилган тадқиқотларда асосан, Ибн Синонинг нафс, Руҳ, материянинг абадийлигига оид қарашлари тадқиқ этилган. Лекин олимнинг ислом дини манбалари, хусусан, Қуръони карим сураларига тафсирлари аксар тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Натижада, айрим тадқиқотларда алломани материалист қилиб кўрсатишга, уни юнон фалсафаси давомчиси сифатида талқин этишга ҳаракатларни кузатиш мумкин.*

Ўзбекистонда сўнгги йилларда дин соҳасига, хусусан миллий ва диний қадриятларимизни қайта тиклаш ҳамда тўлақонли тадқиқ этиш, халқимизга соф қадриятларимизни етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу маънода Абу Али ибн Сино илмий меросида фалсафага тегишли асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фалсафий қарашлари шаклланишида Арасту ва Форобийнинг таъсири катта бўлган. Лекин, Ибн Сино фалсафада бу икки файласуфлар қаторида алоҳида ўринга эга бўлиб, ўзига хос мактаб яратган мутафаккир экани эътироф этилган. Ислом таълимотига асосланган Ибн Сино фалсафаси мероси нафақат ислом, балки яҳудий ва насроний дини олимлари фалсафий тафаккурига ҳам таъсир ўтказиб, алломанинг диний-фалсафий қарашларини ўрганиш билан бир қаторда жамиятдаги мавжуд диний масалаларни рационал тушунишга зарурат туғилмоқда.

Ушбу мақолада ҳам асосий эътибор Ибн Синонинг илоҳиётга оид рационал қарашларини ўрганиш, динийлик ва дунёвийлик уйғунлигини, шунингдек, мўътадил ислом тамойилларини рационал йўл билан очиб беришда олимнинг қарашлари катта аҳамият касб этишини кўрсатиб беришга қаратилган.

Шунингдек, мақолада ислом оламида "Шайх-ур-раис" номи билан танилган буюк мутафаккир ва файласуф Ибн Синонинг Қуръони каримдаги баъзи сураларга ёзган тафсири, ислом ақидаси, калом илмида илоҳ масаласи бўйича ёзган асарлари, унинг рационалистик такаккур борасидаги қарашларига Ғарб олимларининг билдирган фикрлари, бу борадаги ислом фалсафасининг асосчиларидан ҳисобланган Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний каби буюк мутафаккирлар ҳамда Ибн Сино қарашлари ўзаро қиёсланиб, ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлари кўрсатилиб, бу борада олиб борилган тадқиқотлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *Фалсафий тафсир, Ал-мабда вал-маъод, икки ҳақиқат назарияси, эманация, Байт ул-ҳикма, оламнинг азалийлиги масаласи, Вожиб ал-вужуд, перепатетизм.*

Аннотация: *В мире существует множество научно-исследовательских работ о гармонии религии и философии, в которых философские учения среднеазиатских мыслителей изучаются как важная часть духовного наследия этого региона. Изучение истории логико-гносеологических представлений в Средней Азии позволяет не только культуру и философию прошлого, но и правильно понять мировоззренческие процессы, характерные для настоящей эпохи. Хотя гносеологические принципы теологии Ибн Сины изучались рядом ученых западных стран, России, Турции, Ирана, Таджикистана, его религиозно-рациональные взгляды не подвергались систематическому анализу. В проведенных исследованиях изучались взгляды Ибн Сины о вечности души и материи. Но произведения касающиеся исламской теологии ученого, в частности, его интерпретации сур Священного Корана, остаются вне поля зрения большинства исследователей. В результате в некоторых исследованиях можно наблюдать попытки представить ученого материалистом, интерпретировать его как последователя греческой философии.*

В Узбекистане в последние годы большое внимание уделяется сфере религии, в частности, восстановлению наших национальных и религиозных ценностей, а также тщательному исследованию и передаче наших чистых ценностей нашему народу. В этом смысле труды, относящиеся к философии, занимают особое место в научном наследии Абу Али ибн Сины. В формировании его философских взглядов было велико влияние Аристотеля и

Фараби. Однако Ибн Сина занимает особое место среди этих двух философов в философии и признан мыслителем, создавшим уникальную школу. Наследие философии Ибн Сины, основанное на учении ислама, оказало влияние не только на ислам, но и на философское мышление еврейских и христианских ученых. Наряду с изучением религиозно-философских воззрений ученых возникает потребность в рациональном осмыслении существующих религиозных проблем в обществе.

В данной статье основное внимание уделяется изучению рациональных взглядов Ибн Сины на богословие, на гармонию религиозности и светскости, его комментарии к некоторым сурам Священного Корана, его труды по вопросу о Боге в исламской вере, науке теологии, мнения западных ученых о его взглядах на рационалистическое мышление, взгляды исламской философии на этот вопрос, а также на то, что взгляды ученого имеют большое значение в раскрытии принципов умеренного ислама.

Кроме того в статье рассмотрены и сравнительно изучены взгляды таких великих мыслителей, как Абу Наср Фараби, Абу Райхан Беруни и Ибн Сина, показаны сходные и уникальные аспекты их точек зрения, а также дается информация об исследованиях, проведенных по данной теме.

Ключевые слова: *Философская интерпретация Корана, аль-мабда валь-маад, теория двух истин, эманация, Байт уль-Хикма, вопрос о вечности мироздания, ваджиб аль-вуджуд, перепатетизм.*

Abstract*: In the world there are many research works on the harmony of religion and philosophy, in which the philosophical teachings of Central Asian thinkers are studied as an important part of the spiritual heritage of this region. The study of the history of logical and epistemological ideas in Central Asia allows correctly understand not only the culture and philosophy of the past, but also the ideological processes of the present era. Although the epistemological principles of Ibn Sina's theology were studied by a number of scientists from Western countries, Russia, Turkey, Iran, Tajikistan, his religious and rational views were not subjected to systematic analysis. In the studies carried out, mainly the views of Ibn Sina on the eternity of the soul and matter were studied. But the works of the scientist concerning the Islamic theology, in particular, his interpretation of the surahs of the Holy Quran, remain outside the field of view of most researchers. As a result, some studies show the scientist as a materialist, introducing him as a follower of Greek philosophy.*

In Uzbekistan, in recent years, much attention has been paid to the sphere of religion, in particular, the restoration of our national and religious values, as well as a thorough study and transfer of our pure values to our people. In this sense, works related to philosophy occupy a special place in the scientific heritage of Abu Ali ibn Sina. In the formation of his philosophical views, the influence of Aristotle and Farabi was great. However, Ibn Sina occupies a special place among these two philosophers in philosophy and is recognized as a thinker who created a unique school. The legacy of Ibn Sina's philosophy, based on the teachings of Islam, influenced not only Islam, but also the philosophical thinking of Jewish and Christian scientists. Along with the study of the religious and philosophical views of scientists, there is a need for a rational understanding of the existing religious problems in society.

In this article, the main focus is on the study of Ibn Sina's rational views on theology, on the harmony of religiosity and secularism, as well as on showing that the views of the scientist are of great importance in revealing the principles of moderate Islam in a rational way.

Information about the great thinker and philosopher Ibn Sina, known as "Shaykh-ur-Ra'is" in the Islamic world, his commentary on some surahs of the Holy Qur'an, his writings on the issue of God in the kalam science, the science of theology, Western scholars' opinions on his rationalistic thinking is given in the article. The views of great thinkers such as Abu Nasr Farabi, Abu Rayhan Beruni and Ibn Sina, who are considered to be one of the founders, are compared with each other, similar and unique aspects are shown, and information is also given about the research conducted in this regard.

Keywords: *Philosophical interpretation, Al-mabda wal-maad, theory of two truths, emanation, Bayt ul-hikma, the issue of the eternity of the universe, Wajib al-wujud, perepatetizm.*

КИРИШ

Жаҳонда диний таълимотларни нотўғри талқин этиш, айниқса, ислом дини асосларини рационал тафаккур қилмаслик натижасида динийлик ва дунёвийлик, фалсафа ва динни ажратиш ҳолати ўрта асрларда ҳам, бугунги кунда ҳам кузатилмоқда. Шундай вазиятда ислом дини таълимотларини фалсафий талқин этиш, илоҳиёт мавзусини рационал йўл орқали тушунтириш мазкур масалаларни илмий асосда тушунишга ёрдам беради. Ўз даврида Абу Наср Фаробий "Дин ва фалсафа – ҳақиқатга олиб борувчи икки йўл" иборасидан келиб чиққан ҳолда диний ҳақиқатларни фалсафий қонунлар орқали тушунтириш кишиларда дин борасида мўътадиллик ёндашувини шакллантирган. Абу Али ибн Синонинг илоҳиёт мавзусидаги гносеологик тамойиллари, динни рационал тушунтириши мавжуд муаммога ечим топишда муҳим аҳамият касб этган. Шундан келиб чиқиб диний ҳақиқатларни мантиқий талқин қилиш, илоҳиёт мавзусини ёритишда рационал тамойиллардан фойдаланиш дин ва фалсафа масалаларни тўғри англашга ёрдам беради.

Дунёда дин ва фалсафа уйғунлиги борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд бўлиб, уларда Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий таълимотлари мазкур минтақа маънавий меросининг муҳим қисми сифатида тадқиқ этилган. Марказий Осиёдаги мантиқий-гносеологик ғоялар тарихини ўрганиш нафақат ўтмиш маданияти ва

фалсафасини, балки ҳозирги даврга хос ғоявий жараёнларни тўғри тушунишга ҳам имкон беради (Nematullo Mukhamedov & Nurulloh Turambetov, 2021:68-73). Ибн Синонинг илоҳиётга доир мероси Ғарб мамлакатлари, россиялик, туркиялик, эронлик, тожикистонлик бир қатор олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, унинг диний-рационал қарашлари тизимли таҳлил қилинмаган. Олиб борилган тадқиқотларда асосан, Ибн Синонинг нафс, Руҳ, материянинг абадийлигига оид қарашлари тадқиқ этилган. Лекин олимнинг ислом дини манбалари, хусусан, Қуръони карим сураларига тафсирлари аксар тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Натижада, айрим тадқиқотларда алломани материалист қилиб кўрсатишга, уни юнон фалсафаси давомчиси сифатида талқин этишга ҳаракатларни кузатиш мумкин. Шу сабабли Ибн Сино тафсирини ўрганиш динийлик ва дунёвийлик уйғунлигини, шунингдек мўътадил ислом тамойилларини рационал йўл билан очиб беришда катта аҳамият касб этади.

УСЛУБЛАР

Мусулмон дунёси файласуфларини ўрганувчи тадқиқотчи гносеология, онтология қонуниятларини билиш билан бир қаторда ислом дини ақидаси, Қуръон тафсири ва таъвили, ҳадиси шарифлар изоҳи ва, албатта, калом илмидан бохабар бўлиши зарурдир. Нафақат, араб тили ва грамматикаси, балки ислом дини ғоялари ва руҳини ҳис қилиш теран фалсафий мушоҳада юритишга ёрдам беради. Шундагина аждодлар маънавий бойлигини ботиний тушуна бошланади ва бу нарса келажак авлодни ватанпарварлик, юртга содиқлик ва қолаверса, барча эзгу хислатларни тарбиялашда асос бўлиши мумкин.

Марказий Осиё фалсафаси гносеологиясини ўрганишда МДҲ давлатлари олимларидан М. С.Асимов, Н. Баратов, М. Н. Болтаев, А. Д. Джаҳид, Ю. Д Жумабоев, М. Диноршоев, А. К. Закуев, А. Х. Қосимжонов, С. К. Сатибекова, Е. А. Фролова, М. М. Хайруллаев, М. Т. Степанянц, А. Сагадеев, Г. Б. Шаймухамбетова, А. Шарипов кабиларни келтириш мумкин.

X-XI асрлар Марказий Осиё фалсафаси гносеологияси деганда Ибн Сино, Беруний каби буюк даҳолар фалсафасини мисол келтириш мумкин. Шўролар даври фалсафа мактаби мазкур даҳоларни иложи борича моддиюнчи (материалист) қилиб кўрсатишга, керак бўлганда дин танқидчиси қилиб кўрсатишга ҳаракат қилганлиги фактини инкор этиб бўлмайди. Шулардан бири шарқшунос олим А. Сагадеев ўрта аср мусулмон фалсафаси – перипатетизми хукмрон мафкурага мухолифатда бўлган, деб ёзади (Сагадеев А., 2009:6).

Ҳукмрон мафкура бўлганми, деган савол туғилади. Мафкуралардан сиёсий ҳокимиятни эгаллаш учун кураш олиб боришда фойдаланадилар. Агар халифа Маъмун даврида “Байт ул-ҳикма”нинг қурилиши ва унда юнон фалсафий меросини ўрганилишига давлатнинг ўзи хомийлик қилганлиги инобатга олинса, хулоса аксинча бўлиб чиқади, яъни, мухолифатда эмас, балки ҳукмрон мафкура перипатетизмнинг хомийсига айланган дейиш мумкин.

Шунингдек, А. Сагадеев ўрта асрларда Европада фалсафа билан кўпроқ католик олимлари-неотомистлар қизиқишини айтиб ўтади. Бу борада Э. Жильсон, Л. Гарде, Ж. Вербеке, М. Асин Паласиос, Р. Арнальдес ва А. Корбенларни асарлари яққол мисолдир. А.Сагадеев мазкур олимлар Ибн Сино таълимоти асосини трансцендент худо концепцияси бўлган яҳудий анъаналарини ёки натурал мистицизм турлари ва интеллектуал гностицизмни гавдалантиради, Ибн Рушд эса Қуръон ва фиқҳнинг ҳимоячиси, перипатетизм ғояларини юксакликка кўтаради деб ҳисоблаган, дейди.

Бу ерда трансцендент худо концепциясини яҳудийликка тақаш баҳсли масала бўлиб, ислом таълимоти ва ақидасини жуда чуқур билган Ибн Сино таълимотида бу ҳолатнинг таҳлилини чуқурроқ кўриб чиқишни талаб этади. Лекин бошқа томондан, яҳудийлик анъаналари деганда А. Сагадеев фалсафий космологияга яккахудолик анъаналари биринчи бўлиб веданта ва яҳудийликдан кириб келганига ишора қилаётганини бу ерда таъкидлаб ўтиш жоиз. Аслида Қуръон сураларига тафсир ёзган Ибн Сино Ақидада у худо Зоти-сифатларини фақат ислом манбаларидан олганлиги ҳақида аниқ равшан таъкидлайди. Бу фикр билан гўё яҳудий анъанасини давом эттирганлиги ҳақидаги фикрини рад этади.

Шўролар даври мафкурасидан келиб чиққан ва шаклланган А. Сагадеев бошқа фалсафа тарихи мутахассисларининг фикрига таянган ҳолда МДҲ давлатлари тадқиқотчилари араб-мусульмон фалсафаси ютуқларини Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқа Шарқ перипатетиклар номларини ҳукмрон диний мафкурага мухолиф йўналиш сифатида боғлайдилар.

Марказий Осиё фалсафаси, хусусан, мусулмон фалсафасини ўрганишда Ғарб тадқиқотчиларининг европацентризм ғояси мавжуд эканлиги хулосалар чиқаришга таъсир этганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Араблар рационал тафаккурига катта таъсир кўрсатган юнон фалсафасининг ўзи, балки бир неча тамаддунлар дунёқарашининг йиғиндисидан ташкил

топган. Эрон халқлари тафаккури, Зардуштийлик таълимоти, Ведалар ва Буддизм дунёқараши юнонларни қизиқтирган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Марказий Осиё фалсафа тарихига европацентристик муносабат таҳлили ўз-ўзидан Авестога бориб тақалади. Авестони қадимги юнон файласуфлари – Солон, Сократ, Фалес, Аристотель, Платон, Гераклит, Демокрит, кейинчалик Ғарб олимлари – Анкетиль дю Перон, Х. Бартоломе, М. Бойс, И. М. Стеблин-Коменский, Ж. Келенс, Ж. Дюшен-Гиемен, Х. Хумбах, Гёте, Данте, В. Б. Хеннинг тадқиқ қилишган. Шу сабабдан ҳам уларнинг фалсафий қарашларининг шаклланишига Авесто ўз таъсирини ўтказган.

Александр Македонский устози Аристотелни ўзининг барча босқинчилик юришларида олиб юрган. Шу сабабли ҳам Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний Авестони Александр Македонский ёқиб юборгач, унинг (Авестонинг) "бешдан учи йўқолиб кетди" деган маълумотидаги "Авесто"нинг йўқолган "уч қисми" Аристотелга совға-тортиқ қилинган ёки Аристотель (ёки Авестонинг бошқа тўлиқ нусхасини) эгаллаб олган. Чунки Аристотель қарашлари ва фалсафий таълимотларида ҳам, бошқа қадимги юнон файласуфларидаги сингари Авестонинг "ҳиди" келиб туради (Хаитов Ш., 2011:52).

Дарҳақиқат, Александр Македонский ва унинг устози Аристотель Осиёнинг бу бетакрор меросидан баҳраманд бўлганлар, саҳифалар эса юнон тилига таржима қилингани ўша давр учун фойдадан ҳоли бўлмаган, албатта. Платон шундай дейди: "Биз, эллинлар, варварлардан олган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтарамиз"(Платон, 1986:1450).

Лекин шундай бўлса-да, Ғарб тадқиқотчилари Шарқ файласуфлари ҳақида гап кетганда улар гўё кўприк вазифасини бажарганликларига ишора қиладилар.

Гегель ўзининг "Дин фалсафаси" китобида Шарқ перипатетизмининг асосий фаолияти юнон тафаккурига шарҳлар беришдан иборат бўлганлигини таъкидлайди. У ҳақиқий шарқона тафаккур инъикосини мутакаллимлар пантеизмида кўради.

Кейинроқ бу концепцияни Э. Ренан ривожлантиради: айнан мутакаллимларгина, яъни асл араб мутафаккирларигина бутун вужуди билан юнон фалсафасига қарши эдилар ва аббосийлардан бўлган "Форс руҳи" "арабча" дан устун келгандан сўнггина исломга юнон фалсафаси кириб келади, деб ҳисоблайди. Лекин калом билан шуғулланувчиларни мутакаллимлар дейилса, унда Абу Ханифа, Мотуридий, Абул Ҳафс Насафийлар туркий ёки форс бўлганлар. Мутакаллимларни фақат арабларга тенглаштириш ҳақиқатга тўғри келмайди.

Француз шарқшунос олими Анри Корбен ислом фалсафасини ўрганишдан олдин бу фалсафа "Араб"ларники эмас, "мусулмон"ларники эканлигини таъкидлайди. У ҳам мусулмон гносеологиясини ўрганишда "европацентризм" ғоялари мавжудлигини таъкидлайди.

"Ислом дунёсидаги фалсафий тафаккур эволюцияси ва моҳияти қачонки биз ушбу фалсафага Европадаги фалсафа эквиваленти сифатида қарамасаккина аниқ бўла бошлайди. Шунингдек, мусулмонлардаги фалсафа ёки файласуф атамалари философия ва философ сўзлари билан айнан бир хил эмасдир"(Сагадеев А., 2009:13).

Француз тадқиқотчиси А. М. Гуашон ўзининг "Ибн Сино таълимотида борлиқ ва мавжудлик орасидаги фарқ" номли фундаментал ишида нарсаларнинг моҳияти ва уларнинг мавжудлиги орасидаги фарқни Ибн Сино фарқламаган деган ўрта аср қарашлари ўзини оқламаганлигини исботламаганлигини таъкидлаб ўтган.

Ульрих Рудольфнинг фикрича, Мотуридийда бошқа илоҳиётчиларга нисбатан таваккалчилик камроқ бўлган, чунки унинг тафаккури – мавжуд турли таълимотлардан гносеология орқали синтез йўли билан янги назарияни ишлаб чиқишнинг ноёб намунасидир.

Тўққиз аср давомида иккита бутунлай қарама-қарши тимсолларда ўз тажассумини топган диндорликнинг маълум мактаби бўлиб, у "Китоб ас-савод ал-аъзам"да билиш фалсафаси тамойиллари акс этган манба сифатида ўзининг энг ёрқин ифодасини топган; зоҳидликка кўпроқ мойил бўлган иккинчиси Абу Карром таълимотида зуҳур топган. Унинг илоҳиётга оид қарашларининг асосий жиҳатлари "Макҳул ан-насафий"да сақланиб қолган.

Аммо бу матнларга хос умумий белги шундаки, уларда муаллифнинг имон тимсоли бевосита тарғиб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, бутун анъанани сал кейинроқ пайдо бўлгани "Китоб ат-тавхид"дан фарқлайди. У ерда энди фақат алоҳида олинган имоннинг ўзи, унинг ифодаланиши ва чегаралари ҳақида гап кетмайди. Энди гап спекулятив илоҳиёт ҳақида кетади. Бу эса Мотуридий ва унинг асари билан бирга Мовароуннаҳр, биринчи бор калом тарихига кириб борганини билдиради.

Бу фарқ кўпроқ услубда сезилади. Мотуридий ўзигача етиб келган таълимотни анъанавий таърифлар ёрдамида қайтариш ва таъкидлаш билангина чекланмайди. У ўзи сўз юритаётган

масалаларни билиш ва англаш жиҳатдан асослаб беришга интилади. У имкон бор ерда бир фикрни иккинчисидан келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. Бу ишни унинг Мовароуннаҳрдаги биронта салафий ўзидан аввал қилмаган эди. Бунда унинг ўзи учун ҳам шу пайтга қадар қўлланмаган янги усулдан фойдалангани қўл келган. У аниқ таълимот бўлган эпистемология, яъни билиш назариясига эга эдики, униг ёрдамида олим ўз фикрларини таҳлил этар ҳамда билишнинг турли манбаларини англаб, улар ҳақида сўз юритар эди (Рудольф У., 2001:361).

АҚШлик олим Фредерик Старр Марказий Осиёнинг IX-XII асрлардаги даврини "олтин аср" деб атайди: "Марказий Осиёнинг олтин аср мутафаккирлари илмий ҳақиқатга етишишнинг бир эмас, бир нечта усуллари мавжудлигини, шу жумладан, дедукция, мантиқий далиллаш, интуиция, эксперимент ва кузатув усулларидир" (Старр Ф., 2017:48). Шунингдек, Старр Ибн Синони илоҳиёт соҳасида диннинг рационал асосини тадқиқ қилган, деб ёзади.

Фредерик Старр ўз асарларида Шарқ тафаккурига юқори баҳо берар экан, барча воқеа ва тафсилотларни чуқур ўрганган. Лекин, унинг услубида "Ғарбча тадқиқот" етакчилик қилишини англаш мумкин. Масалан: У Берунийнинг "Осор ул-бақия" асари ҳақида фикр билдирар экан, унинг баъзи фикрлари мунозарали кўринади: Берунийни йилнинг муддатини аниқлаштириш кўпроқ қизиқтирар эди. Гўёки, Берунийнинг фикрича, ҳижрий йил ҳисобида хатоликлар мавжуд бўлиб, бу борада у қадимги мисрликларнинг секундларгача ҳисобга олганликларини юқори баҳолаган.

"Тафаккурни севмайдиган турклар" бобида у шундай дейди: Марказий Осиёда фан ва фалсафа инқирозини бу заминга туркийлар кириб келиши билан боғлиқ эканлигига оид гипотеза мавжуддир. Бунга кўра Марказий Осиёдаги илмий тараққиёт форс Шарқидаги цивилизация билан боғлиқ. Туркийлар бир неча асрлардан сўнг тафаккурни аста секин йўқ бўлиш даврида хукм сурдилар. Мазкур қарашларни асосий тарафдори рус тарихчиси Бартольд бўлган. Балки гап, турклар ҳақида эмас, балки уларнинг кўчманчи бўлганлигидадир. Бартольд туркий халқларнинг кўчманчи маданияти ўтроқ халқларнинг ривожланган мантиғи ва математикасига душманона кайфиятда бўлган деб ҳисоблайди (Старр Ф., 2017:485).

1980 йилда академиклар Е.М.Примаков, М.С.Асимов, Э.Ю.Юсупов, Г.А.Ашуров, фалсафа фанлари доктори В.Е.Евграфов ва фалсафа фанлари номзоди Е.А.Фролова муҳаррирликларида Ибн Синонинг таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб "Ибн Сина" номли китоб нашр этилди. Унда алломанинг "Ишорот ват-танбеҳот", "Рисалату-руҳ" каби асарлари таржимаси ва изоҳлар берилди.

Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб 1973 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси (ўша вақтда ЎзССР) китоб нашр этди. Мазкур китобда Берунийнинг борлиқ ҳақидаги қарашларига Ибн Сино таъсир кўрсатганлиги айтиб ўтилади.

Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида ёруғлик нури материянинг бир кўринишидан иборат бўлиб, маълум тезликка эга эканлигини билган ва товуш тезлиги билан таққослаб кўрган. Бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади:

"Баъзилар нур ҳаракати жисм бўлмагани учун замонсиз дейдилар. Баъзилар эса замон билан вужудга келади, лекин нур ҳаракати билан унинг тезлиги орасида солиштирарлик, у билан нур ҳаракатининг суръатини ҳис эттирарлик ва тушунтирарлик бир нарса йўқдир. Чунончи, урганда тўқмоқнинг ҳавода товуш тарқатиши нурнинг ҳаракатидан оғирроқ бўлиб, бу иккинчисини таққослаганда кейингисини ажратиб бўлади. Нур ҳароратининг сабабини баъзилар нур акси кўриниши бурчакларнинг ўткирлигидан дейдилар. Бундай эмас, балки қизиш нур билан мавжуддир" (Беруний Абу Райҳон, 1968:301).

Бундан маълум бўлишича, Беруний ёруғликнинг иссиқлик таъсирини тўғри изоҳлаган. У фикрини давом эттириб, хусусан шу ҳавонинг қизиши бобида мен билан фозил йигит Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ўртасидаги музокараларда шу даъвони баён қилдим – дейди (Беруний, 1973:171).

Бевосита ислом фалсафасининг маълум бир жиҳатлари, унинг шаклланиши, унга юнон маданиятининг таъсири, бу даврдаги ҳурфикрлилик ва комил инсон ғоялари, мантиқий қарашлари, хоссатан, Ибн Сино ва Ғаззолий каби файласуф ва мутафаккирларнинг қарашлари, ундаги гносеология масалаларини қисман тадқиқ қилган ўзбекистонлик файласуфлар М.Хайруллаев, О.Файзуллаев, М.Абдуллаева, Р.Носиров, М.Қодиров, Х.Алиқулов, М.Болтаев, М.Усмонов, А.Шарипов, Р.Бахадиров, А.Зоҳидий, М.Жакбаров, Д.Файзиходжаевларнинг тадқиқотлари ислом фалсафасидаги гносеология масалаларини ёритишга катта ёрдам беради.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, диний-миллий қадриятлар тикланиб, ислом файласуфлари ва мутафаккирларининг фалсафий қарашларини ўрганиш, ислом динини ҳар томонлама илмий тадқиқ этиш имконияти яратилди (Mukhamedov N., 2020:205-208). Ўрта асрларда халқимиз

маънавиятининг исломий фалсафий асосларини тадқиқ қилишда ўзбек олимларининг маънавият, ислом ва тасаввуф соҳасида олиб борган изланишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу соҳада Н.Комилов, Н.Иброҳимов, З.Исломов, А.Мансур, А.Хасанов, У.Уватов, У.Алимов, А.Жузжоний, М.Ҳасаний, З.Мунавваров, Ш.Сирожиддинов, М.Имомназаров, С.Оқилов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир.

Шарқ давлатларида ҳам ислом фалсафасини ўрганиш, уни тадқиқ қилишда катта ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Масалан, Миср Араб Республикаси Қоҳира университетининг ислом фалсафаси факультети ҳар йили ислом фалсафасининг турли долзарб муаммоларига бағишлаб халқаро анжуманлар ўтказади ва анжуман материаллари тўплам ҳолида чоп этиб борилади. Бунда мисрлик файласуфлардан Муҳаммад Шарқовий, Аҳмад Арафот ал-Қозилар ислом гносеологиясига оид маърузалар қилганлар (Шарқовий М., 1997:27). Шунингдек, др.Муҳаммад Лутфий Жумъа ислом файласуфлари қарашларини таҳлилий тарзда тадқиқ этган (Жумъа М., 1999:320). Эрон ислом файласуфлари томонидан ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, ислом фалсафасидаги муҳим тадқиқот ишлардан бири ҳисобланган М.Фахрийнинг «Ислом фалсафаси тарихи» асари 1983 йили Насрулло Пур Жаводий таржимасида Теҳронда форс тилида нашр этилди (Фахрий М., 1983:30). Туркия Республикасида ҳам ислом фалсафасига доир илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Улар орасида проф. И.Абдулҳамид, проф. М.Байракдарларнинг монографиялари алоҳида ўрин тутади. Эронлик олим Саййид Муҳаммад Хотамий Марказий Осиё гносеологияси хақида гапирар экан, “Ислом цивилизациясида ғоянинг ўрни” бобида 3та мухим оқим ҳақида гапириб ўтади.

...Ислом цивилизациясининг ғоявий-тафаккурий тараққиёти бир-бири билан муқобил бўлган учта муҳим оқим таъсирида давом этди, уларни шартли равишда “тошаро”(шариат сўзидан олинган), тасаввуф ва рационализм деб номлаш мумкин (Хотамий М., 2003:45).

“Ислом фалсафасининг “иккинчи муаллими”нинг улуғворлиги шундаки, у жидду жаҳд қилиб, шундай бир тафаккур тизимини яратдики, ўзидан кейингиларга фақат унинг ғояларини шарҳлаш қолди, холос. Нима бўлганда ҳам уни шунинг учун “иккинчи муаллиф” дейиш жоизки, у “фалсафа” истилоҳини фан ва билимларнинг турли соҳаларида қўллади ва амалда ислом фалсафасини яратди” (Хотамий М., 2003:69).

Дарҳақиқат, эронлик олим Форобийга жуда юқори баҳо беради. У Форобийни ислом фалсафасининг асосчиси деб айтиши катта янгиликдир. Лекин, унинг бу асарида фалсафа тарихини ўрганишдан мурод шиа хукмдорлари сиёсий фаолиятига ойдинлик киритиш ва уларнинг “мазлум” эканлигини исботлаш кайфияти намоён бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Ғарб шарқшунос ва диншунос олимлари Ибн Сино меросини чуқур ўрганган бўлсаларда, “европача устуворлик” ёндашувидан воз кеча олмаганлар. Ваҳоланки, ғарб, тўғрироғи қадимги юнон тафаккурининг асосини дунё халқлари тамаддуни ташкил қилади.

Ғарб олимлари Ибн Сино каби мутафаккирларни ўз маданияти танқидчисига айлантирмоқчи бўладилар.

Эронлик олимларнинг бу соҳада меҳнатлари беқиёсдир. Аммо шиалик таълимоти таъсирини унутмаслик керак.

Ибн Сино, Форобий каби даҳоларни “ислом фалсафаси” асосчиларидир дейишга тўлиқ асос мавжуд.

Шўролар даври тадқиқотчиларидан А.Сагадеев Ибн Сино феноменини чуқур ўрганган олимлардандир. Лекин, унда ҳам юнон ва яҳудий қадимги тафаккурни асос қилиб олиши ўқувчида савол туғдириши мумкин.

Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, Ибн Сино теологик тафаккурини, хусусан Қуръонга тафсир китобларини “европача устунлик” намояндалари деярли ўрганмаганлар. Бу борада эронлик олимлар ва ҳиндистонлик тадқиқотчилар меҳнати салмоқлидир.

Юқоридан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, махаллий диншунослар ёндашув позициясини белгилаб олиши мақсадга мувофиқдир. Ғарб тадқиқотчилар тарафкашликка йўл қўйиб бўлмайди десалар-да, биринчи бўлиб ўзлари бу таомилни бузадилар. Деярли аксарият тадқиқотчилар иложи борича Ибн Сино каби даҳоларни соф материалист қилиб кўрсатиб, мавжуд хукмрон доираларга мухолифат қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Ибн Сино теологиясининг гносеологияси ҳақида гап борар экан, Қуръон тафсирлари, ҳадислар, умуман, (ислом теологияси гносеологиясида фойдаланиш) араб фанларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

НАТИЖА

Ибн Сино фалсафий мероси бўйича тадқиқотлар олиб борган олим Амели Мари Гуашон Ўрта аср Европасида Ибн Сино ғояларига ўз қарашларини билдирмаган тадқиқотчи бўлмаганини таъкидлаб ўтади. Мазкур европалик тадқиқотчилар қарашларига эътибор берилса, Ибн Сино асарлари нафақат улар учун манба ҳисобланган, хатто бу олимларнинг муаллимларидан бири бўлганини кўриш мумкин. Ибн Сино номи Аристотел ёки Августин каби олимлар номи билан ёнма-ён келиб, файласуф ғоялари ҳам олқишланган, ҳам танқид остига олинган. Ғарб тафаккурини Ибн Сино таълимотларисиз тасаввур қилиб бўлмаган.

Ҳозирги хорижлик олимларнинг тадқиқотига кўра, Ибн Синонинг "Шарқ фалсафаси" қўлёзмасининг нусхаси Туркия қўлёзмалар фондида № 2403 ҳамда № 4894 рақами билан сақланган. Муқовада: "Ибн Синонинг шарқ фалсафаси асари", деб ҳамда: "уни Шайх ур-Раис Ибн Сино тузган" деб ёзилган; қўлёзма нусхасида " Қуръони карим" дан оятлар ҳам келтирилган бўлиб, " настаълиқ ёзувида "ушбу китоб икки олам султони, хоқони Султон Ибн Султон ал-Ғози Маҳмудхоннинг таклифига биноан, асар вақф мулкларни назоратчиси, Аҳмад Шайхзода томонидан кўчиртирилган деб қайд этилган.

Маълумки, ўрта аср файласуфларининг дунёқараши антик давр файласуфлариникидан фарқ қилади. Ўрта аср файласуфларининг барчаси диний эътиқодли, яъни диндор бўлганлар, хусусан Марказий Осиё мутафаккирлари ислом динига эътиқод қилганлар. Худо, олам ва инсоннинг дунёдаги ўрни хақида ўрта асрларда муайян диний қарашлар тизими мавжуд бўлган. Бу даврда яшаб ижод этган алломалар, олимлар бу қарашларни қабул қилганлар, ўзлаштирганлар (Мухамедов Н., 2014:54-57). Марказий Осиё мутафаккирларидан Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг ўз асарларини Аллоҳ номи билан бошлаб ва унинг номи билан тугатишлари фикримизнинг далилидир. Худди шу ҳолат бу даврда яшаб ижод этган мутафаккирлар фалсафий дунёқарашининг ўзига хос тарзда шаклланишига сабаб бўлди (Грюнебаум Г.Э., 1988:119).

Аристотел ўз таълимотини силлогизмнинг моҳияти ва шаклларидан бошлаган бўлса, Марказий Осиё мутафаккирлари эса ўз мантиқий таълимотларини тушунча ва ҳукмнинг табиатини аниқлашдан бошлайдилар.Чунки билимлар қайси соҳага тааллуқли бўлишидан қатъи назар, тушунча ва ҳукм шаклида ифодаланган бўлиб, мантиқий хулоса чиқариш натижасида шаклланади.

Ибн Синонинг "аш-Шифо", "Ишорат ва танбеҳот", "Ан-Нажот", "Донишнома", "Рисолаи мантиқ", "Ҳикмати машриқийя", "Китоби ҳидоя" асарларида фалсафа ва мантиққа оид масалалар баён этилади. Мутафаккир мантиқ илмини барча илмларнинг муқаддимаси, уларни эгаллашнинг зарур шарти сифатида талқин этади.

Ибн Сино фалсафий асарларининг энг йириги "аш-Шифо" бўлиб, унинг мантиқ қисми тўққиз бўлакдан иборат ва унинг ҳар бири ўз ҳолича алоҳида бир китобдир. Булар қуйидагича:

1. Ал-Мадхал – мантиққа киришдир.
2. Ал-Мақулот – категориялар.
3. Ал-Иборат – интерпретация.
4. Ал-Қиёс – силлогизм.
5. Ал-Бурҳон – исбот, далил.
6. Ал-Жадал – тортишув, диалектика.
7. Ас-Сафсата – софистика.
8. Ал-Хитоба – риторика.
9. Аш-Шеър – поэтика (Ирисов А.,1980:174).

Ибн Сино ўзи яшаб ўтган давр фалсафа қоидаларига қарши ўлароқ "Донишнома" асарида биринчи бўлиб мантиқ асосларини, иккинчи ўринда эса метафизикани, ундан кейин қолган фанларни баён қилади.

"Метафизика (юн. meta physika- физикадан сўнг) – борлиқнинг сезгилардан юқори турувчи принциплари ва умумий асослари тўғрисидаги фан. Физикада тадқиқотчи бевосита ҳиссий объектлар устида изланиш олиб борса, метафизикада эса тадқиқотчи сезгилар воситасида англаб олиш мумкин бўлмаган объектларни тадқиқ этади" (Хивар Бируни ва Ибн Сина., 2002:38).

Метафизика атамасининг пайдо бўлиши Аристотелнинг "Метафизика" номли асари билан боғлиқлиги ҳақидаги фикр фалсафий адабиётларда кенг тарқалган. Аммо метафизика атамасини Платон асарларида мустақил билиш методи сифатида учратиш мумкин. Аристотелнинг "Биринчи фалсафа"га оид табиий-илмий масалаларни қамраб олган маъруза ва асарларини Андроник Родосский тўплаб, уни "Метафизика" деб номлади. У 14 китобдан иборат тўпламдир. Аристотель тузган фанлар таснифида ўзининг аҳамияти, қадр-қиммати жиҳатдан биринчи ўринни борлиқ ҳақидаги фан эгаллайди. Аристотель уни "Биринчи фалсафа" ёки теология (худо ҳақидаги таълимот) деб атайди. Бу фалсафа "Иккинчи фалсафа" (яъни физика) дан шу билан фарқ қиладики, физикада бевосита сезгилар орқали сезиладиган аниқ объектлар тадқиқ қилинса, "Биринчи фалсафа"да борлиқнинг материя ва шаклнинг аниқ боғланишига боғлиқ бўлмаган жиҳати, асл илдизи тадқиқ қилинади. Аристотель

фикрича, метафизика инсоннинг субъективлиги билан ҳам, инсон фаолияти билан ҳам боғланмаган бўлиб, у фанларнинг ичида энг қимматлиси, инсон ҳаётининг воситаси, қувончининг манбаидир.

"Муаллим-соний" унвониини олган буюк мутафаккир, қомусий олим Абу Наср Форобий метафизикага қуйидагича таъриф беради:

"Мен тасдиқлаб айтаманки, биз юқорида эслаб ўтган ва моҳиятини кўриб ўтган олий субстансия бизни унинг массаси ва унинг ўзини ўрганишга олиб келади. Шундай қилиб, осмон субстансияси ва унинг ичидаги субстансиялар хусусан, юлдузлар, уларнинг жойлашувидаги тафовутлар ва тенгсизлик ўлчовлари ҳақидаги илм вужудга келди. Табиат ҳақидаги илм шу йўсинда келиб чиқди.

Шундан сўнг бу субстансиянинг ижодчиси борми ёки уни ижодчисиз ҳам тасаввур этиш мумкинми, у абадийми деган масалаларга ҳамда муҳокама қилишда машқ қилмаган, илмларни ўрганмаган, табиат ҳақидаги илмни ҳам, мантиқий асослашни ҳам билмайдиган одамлар тасдиқлаганидек, бу субстансиядан олдин ҳам, сўнг ҳам ҳақиқатда ҳеч нима йўқми, унинг боши ҳам, охири ҳам йўқми, деган масалаларга ўтамиз. Бу масалаларни ўрганиш худони билишнинг ҳамда (худо) томонидан субстансия ва акциденциянинг яратилганлигига иқрор бўлишнинг сабаби бўлади. Бундан худо мавжудотига олиб келувчи ва уни билишга ундовчи фикр келиб чиқади, чунки у бордир. Бу илм табиатдан юқори турган илм-метафизика ёки илоҳиёт илми деб юритилади. Бу илм барча илмларнинг якуни ва охиридир, ундан сўнг бирор нарсани текширишнинг зарурияти қолмайди, бу ҳар қандай тадқиқотнинг мақсадидирки, бундай тадқиқот осойишталик ҳолатига келади.

Ибн Синонинг "аш-Шифо"сига кирган йирик фалсафий асарларидан бири "Ал-Илоҳиёт" ("Метафизика") китобидир. Асар ўн мақола ва олтмиш бир фаслдан иборат. Ибн Синонинг бу асарига Аристотелнинг "Метафизика" асари асос бўлган. Аристотел асари аслида ўн тўрт мақоладан иборат бўлиб, мақолалар ўзаро алифбо тартибида жойлашган. Аристотелнинг бу асаридан ўн икки мақола ўрта асргача етиб келган ва араб тилига таржима қилинган, лекин уни сўнгги икки мақоласи, яъни "М" ва "Н" етиб келмаган. Аммо Ибн ан-Надим кўрсатишича, бу асарнинг сўнгги икки мақоласи юнон тилида бор бўлиб, Искандар Афрудузий шарҳлари ичида мавжуд (Ирисов А., 1980:181).

Юқоридагилардан илоҳиёт илмининг қандай вужудга келганлиги ва келиб чиққанлиги маълум бўлади. Шунингдек, ундан олдин келувчи бошқа илмларнинг ҳам қаердан келиб чиққанлиги маълумдир. Маълумки улар сезгилар орқали қабул қилинувчи ва ақл орқали охиригача билинувчи субстанция ва у билан бирга бўлувчи акциденцияларнинг жойлашуви муносабати билан вужудга келганди " (Фаробий Абу Наср, 1975:53).

Абу Али Ибн Сино илоҳиёти бутун борлиқни акс эттирувчи ҳақидаги концепция бўлиб, аниқ фанларни ўз ичига олади.

"Барча фанларнинг принциплари мана шу фанга асосланади. Гарчи уни охири ўргансаларда, ҳақиқатда у энг аввалгидир " (Ибн Сина, 1957:142).

Метафизика ўрганадиган борлиқнинг тўртта тури мавжуддир:

1. Моддийликнинг унсурларидан батамом ҳоли тушунчалар ёки нарсалар. Булар илоҳий мавжудотлар ва уларнинг биринчиси ва асосийси Яратувчи-худодир. Унда Ибн Сино илоҳиётни метафизиканинг мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи бўлим тарзида кўради.

"Барча нарсаларнинг яратувчисини, унинг ягоналигини англаш ва барча нарсаларнинг унга боғлиқлиги масаласи ҳам мазкур фан ичига киради. Бу ягоналикни махсус ўрганадиган фан қисми теология ёки бўлмаса илоҳий фан дейилади.".

2. Борлиқнинг иккинчи кўриниши материя билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган, илоҳий унсурлар билан камроқ алоқадорликда бўлган, масалан, самовий жисмлар ва уларни тирилтирувчи ва ҳаракатга келтирувчи руҳлар.

3. Баъзида моддийликка эга бўлган, баъзида ундан ҳоли бўлган предметлар. Масалан: субстанция, акциденция (таркиб), зарурият, имконият ва бошқ. Айнан шулар, айтиш керакки, метафизикани барча фанларнинг асосига айлантиради.

4. Метафизика, шунингдек, моддий, яъни объектив равишда мавжуд бўлган реал предметларни, тўғрироқ айтганда, физик табиатга эга, материя билан боғлиқ бўлган тушунчаларни ҳам ўрганади. Масалан: у ёки бу нарсаларнинг моҳияти, индивидуал аниқлик касб этган нарсаларнинг мавжудлигини ўрганади.

Моҳият ва мавжудлик муаммоси деярли Форобийда қандай кўриб чиқилган бўлса, Ибн Синода ҳам шундайдир. Муаммонинг бундай қўйилишидаги энг аҳамиятли хулоса – бу, илоҳий борлиқнинг мутлақ зарурлигини таъкидлашдир. Бу ерда моҳият илоҳий борлиқ мавжудлиги билан мос келади. У Ибн Синода шахсий тавсифсиз, антропоморф характеристикасиз гавдаланади ва Вожибул-вужуд деб аталади (Хивар ал-Бируни ва Ибн Сина, 2002:56).

Борлиқнинг бошқа қутбида сон-саноқсиз жуда кўп алоҳида-алоҳида нарсалар бўлиб, уларнинг

мавжудлиги ўзларининг моҳияти билан эмас, балки бошқа нарсалар (жисмлар) билан аниқланади. Бу нарсалар мумкинлик касб этгандир, яъни мавжуд бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин, конкрет дунёнинг чексиз турфа хиллиги доимо мавжуддир. Шу ерда мазкур конкрет турфа хилликни мутлақ зарурий борлиқнинг ягоналиги ва оддийлигига муносабати ва аввални охиргидан келиб чиқиши ҳақида савол туғилади.

Бу генетик масалани Ибн Сино янги Платончилик эманацияси йўналишида ҳал этади. Унинг асосий этаплари Форобий томонидан аниқланган. Лекин, бу процессни тушунишда Форобий ва Ибн Сино орасида мавжуд фарқлар бордир. "Ихвон ас-сафо"да эманация процесси чегаралангандир, Ибн Синода бу чегараланиш яна ҳам характерлидир. Ибн Сино материяни эманация процессидан ҳам ташқарига олиб чиқди, уни универсал имконият деб билиб, ундан ташқарида ва усиз бирон бир нарса келиб чиқмайди. Ибн Синонинг аниқлик киритишича, материя – янги Платончиликдаги асосий ҳолатга қарши ўлароқ, илоҳий яккаҳокимликнинг қийматини тушрадиган охирги хулоса эмас, идеал дунёни сояси ҳам эмас, борлиқ белгиларидан маҳрумлик ҳам эмас, балки турли хил борлиқнинг келиб чиқиши учун муҳим бир элементдир.

Неоплатонизм монотеистик дин ақидаларини аристотелизм билан келиштирилгани каби перипатетик системага қабул қилинди. Унинг перипатетизмдаги роли назарий ёки илмий эмас, авваламбор амалий бўлган. Бу Форобий томонидан, кейинроқ Ибн Сино ривожлантирган фанлар классификациясидаги эманация теориясидаги ҳолати билан белгиланади.

МУҲОКАМА

Бу классификацияга кўра, метафизика физика ва амалий фанлар орасида оралиқ ҳолатни эгаллайди ва 3 қисмга бўлинади: биринчисида, мавжудлик бутун борлигича кўриб чиқилади; иккинчисида, фанларнинг бошланғич қисмлари кўрсатилади; учинчисида эса Биринчи Мавжудлик ва ундан келиб чиқувчи борлиқ босқичлари кўриб чиқилади.

Абу Наср Форобий фикрича, метафизиканинг мазкур 3, яъни охирги қисмида "фозил шаҳар" аҳолилари учун мўлжалланган, ўзида ҳақиқий фалсафани акс эттирадиган "ҳақ" ёки "фозил" дин принциплари ўрин тутиши керак. Бу принциплар Аристотель "теология"сига асосланган диннинг назарий қисмини ташкил қилади, шу билан бир қаторда диннинг амалий қисми фалсафанинг амалий қисмига бўйсинади (Хивар ал-Бируни ва Ибн Сина, 2002:94) .

Шу ўринда "мавжудлик" тушунчасига кенгроқ тўхталсак, бу хусусда ғарб файласуфларининг меҳнати беқиёсдир. Бу сўз ҳозирги фалсафа фанида қўлланиладиган борлиқ тушунчасининг синонимидир. Фалсафа тарихида у одатда мавжуд нарсаларнинг тафаккур ёрдамида акс эттириладиган ички моҳиятидан фарқли ўлароқ, тажриба асосида эришиладиган, уларнинг ташқи томонларини ифодаловчи тушунча сифатида ишлатилиб келинган.

XVII-XVIII аср инглиз эмпиризми (Локк, Юмм) ҳар қандай билимнинг мавжудлигини тан олган. Янги давр рационализми (Декарт, Спиноза, Фихте, Гегель) мавжудлик тушунчасини талқин этишда борлиқ ва тафаккурнинг айнанлиги таълимотидан келиб чиқади. Мавжудлик бу ерда моҳият эътибори билан қандайдир, ақл билан боғлиқ рационаллик сифатида талқин этилади.

Бу нуқтаи назарларни бирлаштиришга уриниш, Лейбниц ва Кант таълимотларида кўринади. Лейбниц икки хилдаги ҳақиқатни тан олади: ақлнинг абадий ҳақиқатлари ва фактлар ҳақиқати. Лейбницнинг фикрича, улар ўртасидаги фарқ, фақат инсон ақли чегараси (охири) учун мавжуд, оламий ақлда бу фарқ йўқ. Кант "мавжудлик"нинг онтологик аҳамиятини тан олади. "Нарса ўзида"ни, мантиқий хулосалар орқали келтириб чиқариб бўлмайди, ақл фақат расмий алоқаларни, ҳиссиёт эса унга ашё етказишини ҳисобга олсак, мавжудликни хеч бир ҳиссий ҳодисалардан мантиқий келтириб чиқариш мумкин эмас. Мавжудлик, умуман олганда, янгича категория мазмунида Кьеркегор қарашларида талқин этилади. У мавжудликни бевосита англаш мумкин бўлган инсон борлиғи сифатида тушунилишини рационализмга (Гегель) қарама-қарши қўяди.

Мавжудлик Кьеркегор фикрича, бу – алоҳидалик, шахсиятлилик, интиҳоликдир. Унингча, интиҳоли мавжудлик ўз тақдири ва тарихига эга бўлиб, тарих тушунчаси интиҳоликдан, мавжудликнинг қайтарилмаслиги ҳамда тақдирдан ажралмаслигидир.

XX асрда мавжудликни Кьеркегорча тушуниш экзистенциализмда (Ясперс, Хайдеггер, Сартр, Марсель ва бошқалар) қайтадан кўриб чиқилган ва унда марказий ўрин эгаллайди. Экзистенциализмда мавжудлик инсоннинг ўз чегарасидан чиқувчи, вазиятнинг трансценденталликка нисбатан бир ҳолати сифатида талқин этилади.

ТАҲЛИЛ

Инсон ақли етиши мумкин бўлмаган мавжудлик билан трансценденталлик ўртасидаги алоқа унинг охирги экзистенцианализмга кўра, мавжудлик

фактининг ўзида топилади. Мавжудликнинг охири ўлим, ҳаёт тугашининг эмпирик факти эмас, балки бутун инсон ҳаётига кириб борувчи, мавжудлик таркибини белгиловчи, бошланғич ҳолатдир. Мана шундан экзистенцианализмни таърифловчи ва унда қизиқиш уйғотадиган ҳолатлар, (қайғу-қўрқув, айбдорлик ҳиссиёти ва ҳ.к.) унинг табиатини очиб беради ва бу ҳолатлар буюмларнинг моҳиятидан, уларнинг ҳозир мавжуд бўлишидан келиб чиқади. Мавжудлик ва моҳият ўртасидаги тафовутни фарқлаш, фалсафа тарихида биринчи бўлиб, Гильом томонидан кўрсатилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, Гильом бу фикрларга Ибн Сино таълимоти таъсири остида келади. Ибн Сино борлиқнинг икки аҳамияти мавжудлигини кўрсатади: 1. Буюмлар маъносини аниқлаган ҳолда уларни оддийгина мавжудлигини ифода қилиш; 2. Борлиқ субстанция сифатида қаралади, бунда унинг акциденцияси, иккиламчи хусусиятлари эътиборга олинмайди.

Фома Аквинский фалсафасида мавжудлик ва моҳият, икки борлиқ (буюмлар ва субстанция) аввали сифатида намоён бўлади. Борлиқни фаолият деб тушуниб, Фома энг буюк воқелик худо ва худонинг моҳияти уни ўзининг мавжудлигида амалга ошади деб ҳисоблайди. Бошқа барча яратилган оламда моҳият ва мавжудлик ўзаро мос келмайди. Мавжудлик моҳиятнинг идеаллик чегарасидир.

XX аср бошларида, Ғарбий Европа мамлакатларида тарқалган экзистенцианализм (Ясперс, Хайдеггер, Сартр, Марсель ва бошқалар) фалсафасида мавжудлик, нарсаларнинг моҳиятидан юқори турадиган, пайқаб бўлмайдиган, инсоннинг билиши ва амалиёти эриша олмайдиган тушунча сифатида таърифланади.

Аслида эса нарса ва ҳодисалар моҳиятини уларнинг мавжудлигидан, яъни борлигидан ажратиб бўлмайди. Ана шу маънода мавжудлик борлиқ тушунчасининг синоними ҳисобланади (Хивар ал-Бируни ва Ибн Сина, 2002:51).

“Китоб-ун-Нажот”да Ибн Синонинг абадият ва яратилиш ҳақидаги мулоҳазалари берилган. Бунда Ибн Сино сабабсиз яратилиш ғоясини рад этади. Унинг фикрича, олам худо томонидан зарурий равишда яратилгандир. Материяни муайян маънода яратилган дейиш лозим, зеро олий сабаб мавжуд эррурки, материянинг мавжудлиги унга боғлиқдир, яъни у иккиламчидир. Лекин иккиламчи томондан, материя абадий субстанциядир, зеро материя замонга нисбатан бирламчи. Аввалдир. Қадимийдир. Бошқача қилиб айтганда, материя мавжуд бўлмаган даврнинг ўзи бўлмаган (Жумабоев Й.,1997:92).

“Материяни абадий деб эълон қилиш Ибн Сино метафизикасини икки тармоқли эканлигини кўрсатарди ва ўзида материалистик тенденцияни намоён этарди. Табиийки, мазкур фикрлар монотеистик таълимот томонидан асосий раддияга айланди. Шунингдек, олим томонидан материянинг абадий деб эълон қилиниши мутакаллимлар томонидан ишлатилган атомик тизим ва бўшлиқ каби таълимотларни ҳам рад этарди” (Соколов В.,1979:250).

Ибн Синодаги эманация таълимотининг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда Яқин Шарқ (Эрон, зардуштийлик) диний-табиий дунёқарашининг табиат ва инсон ҳаётидаги осмон ва ундан таралувчи нур билан уйғунлигидир. Бу эътиқодга кўра, нур манбаи кўринмас, барча борлиқ ва билинадиган нарсалар сабабини бевосита қабул қилмайдигандир. Чунончи, бу таълимот нурли образларга таянувчи янги Платончилик таълимотига муҳим таъсир кўрсатди. Шу билан бир қаторда илоҳий эманацияда нур компонентига урғу берилиши воқеликнинг барча жабҳаларини худо билан яқинлаштирди ва Ибн Синонинг метафизикасидаги пантеистик қирраларни кучайтирди.

Форобий ақлий билишни мантиқ билан қўшиб таҳлил этади. Ал-Киндий ва Форобийлар ишлаб чиққан тафаккурнинг рационал услубиятларини Ибн Сино янада юқори босқичларга кўтарди. “Ақл тарозусида ўлчанмаган ҳар қандай билим, ҳақиқий билим эмас ” деб Ибн Сино, ақлий тафаккурнинг мантиқий ва услубий андозалари ҳар қандай билишнинг мезони бўлишини таъкидлайди. Ибн Сино билиш назариясига доир, хусусан ақл тўғрисидаги рисолаларида тафаккурнинг рационал шаклларини илмий асосда талқин этади ва янада такомиллаштиради. Ибн Сино рационаллик ғояларни мантиқ билан бевосита боғлаб тушунтиради:

“Мантиқ – деб ёзади Ибн Сино – инсонга шундай қоида берадики, бу қоида ёрдамида инсон ҳақиқий билишни ёлғондан ажратади ва номаълум нарсаларни ўрганади” (Қўшоқов Ш., 2001:125).

Ибн Сино метафизикасининг таркибий қисми бўлмиш дунёнинг тузилиши масаласи унинг Беруний билан бўлган савол-жавобларида ҳам акс этган (Хивар ал-Бируни ва Ибн Сина, 2002:132).

“Беруний Ибн Синога шундай деб савол беради: Агар, Аристотелнинг фикрича, фалак ташқарисида бўшлиқнинг йўқлиги аниқ ва тўғри бўлса ва биз фалакни олов каби латиф гавҳар деб таҳмин қилсак ҳам,у, чегараланган тўда бир нарсадир. Аммо фалакнинг айланма ҳаракати табиий ҳаракат бўлмаслиги мумкин. Фалакнинг бу айланма ҳаракати сайёраларнинг Шарқ томонга бўлган табиий ҳаракатларига ва ғарб томонга бўладиган кеча-кундузлик аразий ҳаракатларига ўхшайди.

Агар фалакнинг айланма ҳаракати аразий эмас, чунки айланма ҳаракатларнинг йўналишларида келишмаслик йўқ дейилса, шул сўзга лозим келадиган нарсалар орасида бўямачилик ва сафсата зоҳир бўлади. Чунки бир нарсанинг ўзида бири шарқ томонга, яна бири ғарб томонга бўлган икки табиий ҳаракатни ўйлаш мумкин эмас. Бу эса маънида мос бўлиб, лафзда айирмалик бўлади. Чунки ғарбга томон ҳаракатни шарққа томон ҳаракатнинг зидди деб айтилмайди. Бу таслим ва эътироф қилинган бўлиб, лафзларда талашилганда маъниларга қараймиз" (Хивар ал-Бируни ва Ибн Сина, 2002:37).

Ибн Сино ўз жавобида бўшлиқ, табиий ўрин ва ҳаракат масалаларига тўхталиб шундай жавоб беради:

"Мен ҳам фалакнинг пастга томон ҳаракат қилиши мумкин эмас, пастда фалакнинг кўчиб бориши учун табиий бир ўрин йўқ дейман. Агар бир овоздан фалакнинг шундай ҳаракати борлигини қиёматга қадар фараз қилинса ҳам, мен йўқ дейман. Чунки фалак пастга томон ҳаракат қилади дейиш, оламдаги ҳамма унсурлар ўз табиий ўринларидан кўчиб юрадилар дейишни исбот қилади. Бундай кўчиб юриш табиат оламида ҳам мумкин дейиш янглишдир. Бу эса фалакнинг кўчиши учун бўшлиқ бор эканлигини исбот қилади. Ҳолбуки, табиат оламида бўшлиқ йўқдир. Шундай бўлгач, пастга фалак кўчиб бориши учун табиий бир ўрин йўқдир ва яна, юқорида ҳам ҳақиқий, ҳам ҳаёлий бўлсин ҳаракатга ўрин йўқдир. Чунки бу ҳаракат ҳам биз айтгандек иложсиз ёмонликларга, яъни ҳамма унсурларнинг ўз табиий ўринларидан кўчишларига ёки бўшлиқнинг борлигига олиб боради... (Хивар ал-Бируни ва Ибн Сина, 2002:3).

Ҳар бир табиий жисмнинг табиий ўрни бордир. Шул муқаддима (сўз боши)га "фалак жисмдир" деб кичик муқаддимани қўшсак (мантиқий истелоҳлар билан), биринчи шаклнинг биринчи навида "фалакнинг табиий ўрни бор" деган натижа чиқади. Бу натижани баъзи қиёсга кўчириб "фалакнинг табиий ўрни ё юқорида, ё пастда ва ёки ўзининг турган ерида" деб, унинг юқори ёки қуйида бўлмаслигини орадан чиқарсак "фалакнинг табиий ўрни турган еридир" деган натижа чиқади. Ўзининг табиий ўрнида бўлган ҳар бир нарса ҳақиқатда енгил ҳам, оғир ҳам эмас...

Оғир нарсада ҳам шундай ҳукмдир. Чунки оғир нарса табиат бўйича қуйига ҳаракат қилади. Унинг табиий ўрни пастликдир. Табиий ўрнининг эканига сабаб шулки, табиати билан ҳаракат қилувчи ҳар бир нарсанинг ҳаракати табиий ўрнига томон бўлади. Аввалги каби баён қиламизки, табиий ўринда бўлган нарса ҳақиқатда оғир эмасдир. Энди икки муқаддиманинг натижаларини қўшсак, "табиий ўрнида бўлган нарса аслида оғир ҳам эмас, енгил ҳам эмас" деган масала исботланади" (Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни, 2009:141).

Савол-жавоблардан маълум бўладики, Ибн Сино ҳаракатнинг сабаби ё ташқарида (мажбурий) ёки унинг ўзида (табиий) деб билади. Мажбурий ҳаракат яратувчи туфайли амалга ошади, табиий ҳаракат эса жисм таркибида олов бўлаги ғолиб бўлганда ҳосил бўлади. Мутафаккирнинг ҳаракат манбаи тўғрисидаги фикрлари унинг мантиқий муҳокамаларининг натижаси ҳисобланади (Мухаммад Лутфий Жумъа,1999:64).

Икки буюк қомусий олим ўртасидаги савол жавобларнинг таҳлили Ибн Сино таълимотида мантиқ илмий билиш методи бўлибгина қолмасдан, балки фалсафий масалаларни ҳал қилишнинг методологик асоси эканлигини тасдиқлайди.

Бу билан Ибн Сино оламнинг табиий хоссаларини, сир-асрорларини мантиқий белги, таҳлил ва ақлий билиш орқали ўрганиш мумкинлигини айтади. Ибн Сино ижод жараёнида ақлий ва ноақлий жиҳатларни намоён бўлишини қайд этади.

Ибн Сино "ҳақиқатнинг икки томонламалиги" назариясини биринчилардан бўлиб қабул қилди. У дин ва фалсафанинг Онг ва Тажриба ютуқларига асосланган ҳолда мустақил ва алоҳида ҳолда мавжудлиги имкониятини эътироф этади. Ибн Сино фикрига кўра, дин Европа схоластикасидаги каби диншунослик (богословие) "югурдаги" эмас, балки у давлат манфаатлари йўлида хизмат қилади. Ҳақиқатни очиб, фаровонликка эришишга кўмаклашадиган фалсафа эса, охир-оқибатда эса диндан юқори туради.

Ибн Синога биринчи назарий манба албатта, юнон-рим фалсафаси бўлди. Кўпгина тадқиқотчилар Ибн Сино фалсафасини Платон ва Аристотель фалсафасининг эклетик бирлашувидир дейдилар ёки бошқалар уни Платончи ва янги Платончи дейдилар (Ибн Сина, 1980:20).

ХУЛОСА

X-XI аср Марказий Осиё фалсафаси гносеологиясини ўрганишда дунё тадқиқотчиларининг ёндашуви бир-биридан фарқ қилади. Ғарб шарқшунос ва диншунос олимлари Ибн Сино меросини чуқур ўрганган бўлсалар-да, "европача устуворлик" ёндашувидан воз кеча олмаганлар. Ғарб олимлари Ибн Сино каби мутафаккирларни ўз маданияти танқидчисига айлантирмоқчи бўлганлар.

Мусулмон олимлари тадқиқотларида Ибн Сино тафаккурини ислом таълимоти анъаналари билан солиштириш тенденциясини кўриш мумкин. Бу борада мусулмон тадқиқотчиларининг "Ислом фалсафаси" деб аталувчи соҳани бойитишдаги ҳиссалари салмоқлидир. Ибн Сино, Форобий каби алломаларни "Ислом фалсафаси асосчилари" деб ҳисобладилар.

Гарчи Ибн Синонинг теологик қарашлари акс этган манбалар ўрганилиши кўлами кенг бўлсада, аллома томонидан ёзилган баъзи манбалар, хусусан, унинг тафсир китобларини туркиялик, хиндистонлик ва эронлик тадқиқотчиларгина ўрганган холос. Шунингдек, Ғаззолий ва Ибн Рушд томонидан яратилган манба китобларда ҳам Ибн Сино теологияси акс этган.

Дунё тадқиқотчилари томонидан кўплаб илмий ишлар олиб борилдики, унда Ибн Сино теологиясидаги эманация, Вожиб ал-вужуд, мабда вал маъод каби қарашлар тадқиқ қилинган. Методикаси турлича ёндашувлардан иборат мазкур тадқиқотларга Ғарб ва мусулмон мамлакатлари, собиқ МДҲ давлатлари, хусусан Ўзбекистонда яратилган монографиялар, диссертациялар, рисолалар ва илмий тўпламлардан иборат.

Ибн Сино теологик таълимотини ўрганишга оид манбаларни бирламчи, назарий ва методологик асос сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Ибн Сино ижтимоий-фалсафий масалаларда Форобий қарашларини давом эттирди, фалсафий оқимни янги табиий-илмий фикрлар билан бойитди, тизимли ва янги босқичга кўтарди. Ибн Сино талқинидаги метафизика кенг маънодаги борлиқ ҳақидаги таълимот бўлиб, конрет фанлар билан узвий алоқада ва Метафизика ўрганадиган борлиқнинг тўртта тури мавжуддир. Ибн Сино теологиясининг рационал мағзи унинг эманация таълимотида, яъни, Яқин Шарқ (Эрон, зардуштийлик) диний-табиий дунёқарашининг табиат ва инсон ҳаётидаги осмон ва ундан таралувчи нур билан уйғунлиги таълимотида намоён бўлади. Беруний ва Ибн Сино ўртасидаги савол жавобларнинг таҳлили Ибн Сино таълимотида мантиқ илмий билиш методи бўлибгина қолмасдан, балки фалсафий масалаларни ҳал қилишнинг методологик асосидир. У дин ва фалсафанинг Онг ва Тажриба ютуқларига асосланган ҳолда мустақил ва алоҳида ҳолда мавжудлиги имкониятини эътироф этди.

Ибн Сино илоҳиёт соҳасини юнон дунёқарашидан фарқли ўлароқ мусулмон анъаналарига мослаштирди. У бу соҳадаги "вожиб ал-вужуд" ва "мумкин ал-вужуд", "ишқ", "нафс", "яратилиш", "пайғамбарлик", "ҳувийят", "Зот", "маъод", "Худонинг мавжудлиги исботи" ва "Худонинг сифатлари" каби мавзуларини рационал тарзда тушунтириб берди. У Худони доим яратишда эканлигини кўрсатиш орқали руҳнинг абадийлиги, материянинг абадийлиги масаласини илгари сурди. Қуръон оятлари тафсирига ўзи ишлаб чиққан эманация таълимотидаги қонуниятлар асосида ёндошди. У Худони Вожиб ал-вужуд деб атади. Абу Али Ибн Сино ўз фалсафий қарашларида икки субстанция - модда ва руҳни бирлаштириб, пантеистик позицияга ўтади. Бу жараёнда оламдаги ҳамма нарсалар эманация тарзида (яъни худодан чиқаётган нур шаклида) аста-секинлик билан амалга ошади, намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаева, М. З. (2019). АНАЛИЗ САМЫХ ПОСЕЩАЕМЫХ ИСЛАМСКИХ САЙТОВ УЗБЕКИСТАНА. Россия и мусульманский мир, (4), 49-54.
2. А.Ирисов. АБУ АЛИ ИБН СИНО. ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ. -Т.: Фан, 1980.
3. Абу Наср Форобий. РИСОЛАЛАР. -Т.:Фан, 1975.
4. АБУ АЛИ ИБН СИНА. К 1000-летию со дня рождения. –Т.: Фан, 1980.
5. Аҳмедова М.А. АРАБ АРИСТОТЕЛИЗМИ ВА ЛОТИН АВЕРРОИЗМИ: ШАРҚ ВА ҒАРБ ФАЛСАФА АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ. "Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни" Илмий мақолалар тўплами. -Т., 2009. –Б.17.
6. Abdullaeva, M. (2021). Cyberjihad: expressions of terrorism on the internet. Вестник КазНУ, Серия Религиоведение, 27(3), 60-65. https://bulletin-religious.kaznu.kz/index.php /relig/
7. Alimova, Makhfuza (2019) "ACTUAL DEVELOPMENT TRENDS OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 42. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/42
8. Alimova, Mahfuza (2020) "THE CONTRIBUTION OF IMAM AD-DARIMI TO THE DEVELOPMENT OF HADITH SCIENCE," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 15. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/15
9. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80- 96 Doi:https: //dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96 https://t.me/iqtiboslar_UNESCO/20
10. В.Соколов. СРЕДНЕВЕКОВАЯ ФИЛОСОФИЯ. -М.: "Высшая школа", 1979.
11. Fakhry Majid. A HISTORY OF ISLAMIC PHILOSOPHY. Columbia University Press, 1970

12. Ибн Сино, АЛ-ИЛОҲИЁТ, тақдим Иброҳим Мадкур, таҳқиқ Қанавотий ва Саид Зоид. -Қоҳира, 1960. 478 саҳифа. (икки жилд).
13. Ибн Сина. ДАНИШ-НАМЕ / Пер. А.М.Богоутдинова. Сталинабад.
14. Ибн Рушд. ТАХОФУТ АТ-ТАХОФУТ / Доктор Сулаймон Дунё таҳрири остида. –Қоҳира: Дарул маъориф, 1964. –536 б.
15. ISAKDJANOV, R. (2019). RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES. The Light of Islam, 2019(3), 8.
16. Йўлдош Жумабоев. ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ВА АХЛОҚИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДАН. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
17. Mukhamedov Nematullo & Turambetov Nurulloh (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105
18. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosphera.com/ files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
19. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. *Archive of Conferences*, *9*(1), 205-208. Retrieved from https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371
20. Низомиддинов, Н. Г. История тюркоязычной литературы Индии времен правления Бабуридов (XVI-XIII вв.).
21. Rahimjonov, D. (2019). The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization. *The Light of Islam*, 12.
22. Ra'no, T. U. (2017). RELIGIOUS AND SOCIAL THOUGHTS OF THE PEOPLE OF ANCIENT INDIA, CENTRAL ASIA AND IRAN. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.
23. Сагадеев А.В. ИБН РУШД. – М.:Наука. 1973.
24. ИСЛОМ ТАФАККУРИ ТАРИХИДАН / Тарж.: Н.Қодирзода. -Т.: Минҳож, 2003. – Б. 102.
25. Turdiyeva, Dilafruz (2020) "FROM HISTORY OF MALAYSIEN EDUCATION SYSTEM," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 20. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/20
26. Ульрих Рудолф. АЛ-МОТУРИДИЙ ВА САМАРҚАНД СУННИЙЛИК ИЛОҲИЁТИ. "Имом Бухорий" ва "Фридрих Эберт" жамғармаси. -Т.: 2002.
27. ХИВАР АЛ-БИРУНИ ВА ИБН СИНА. Абдулкарим ал-Йафи. – Дамашқ: Дарулфикр, 2002.
28. Xudoyberganova, G. (2019/1). GLOBALLAShUV ShAROITIDA ISLOM MA'RIFATINI ShAKLLANTIRISh MASALASI. *GLOBALLAShUV ShAROITIDA VATANPARVARLIK TARBIYaSINING MA'NAVIY-MA'RIFIY TEXNOLOGIYaLARI* (pp. 69-72). Tashkent: O' zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
29. Эрназаров, О. К. (2014). ҲОЗИРГИ ДАВРДА ДИН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No. 55, pp. 40-45). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
30. Э. Ренан. СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ. –Киев, 1960. Т.8. –С. 70.
31. Ernazarov, O. (2018). The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty. The Light of Islam, 201 8(1), 11.
32. Қўшоқов Ш.С. ДИН, ФАЛСАФА ВА ФАНДА ИЖОД МУАММОСИ. Монография.-Т.:Фан,2001.
33. Ғаззолий. ТАХОФУТ АЛ-ФАЛАСИФА / Доктор Али Бумалҳу таҳрири ва шарҳи остида. –Байрут: Дару ва мактабул хилал, 2002.

REFERENCES:

1. Abdullaeva, M. Z. (2019). ANALIZ SAMIX POSEShAEMIX ISLAMSKIX SAYTOV UZBEKISTANA. Rossiya i musul'manskiy mir, (4), 49-54.
2. A.Irisov. ABU ALI IBN SINO. HAYoTI VA IJODIY MEROSI. -T.: Fan, 1980.
3. Abu Nasr Forobiy. RISOLALAR. -T.: Fan, 1975.
4. ABU ALI IBN SINA. K 1000-letiyu so dnya rojdeniya. –T.: Fan, 1980.
5. Ahmedova M.A. ARAB ARISTOTELIZMI VA LOTIN AVERROIZMI: ShARQ VA G' ARB FALSAFA AN'ANALARINING O' ZARO TA'SIRI. "Sharq falsafasi qadriyatlari va ularning O' zbekiston ma'naviy hayotidagi o' rni" Ilmiy maqolalar to' plami. -T.:2009. –B.17.
6. Abdullaeva, M. (2021). Cyberjihad: expressions of terrorism on the internet. Vestnik KazNU, Seriya Religiovedenie, 27(3), 60-65. https://bulletin-religious.kaznu.kz/index.php /relig/
7. Alimova, Makhfuza (2019) «ACTUAL DEVELOPMENT TRENDS OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4, Article 42. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/42.
8. Alimova, Mahfuza (2020) «THE CONTRIBUTION OF IMAM AD-DARIMI TO THE DEVELOPMENT OF HADITH SCIENCE,» The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 15. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/15.
9. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96 https://t.me/iqtiboslar_UNESCO/20
10. V.Sokolov. SREDNEVEKOVAYA FILOSOFIYA. -M.: Visshaya shkola, 1979.

11. Fakhry Majid. A HISTORY OF ISLAMIC PHILOSOPHY. Columbia University Press, 1970.
12. Ibn Sino, AL-ILOHIYoT, taqdim Ibrohim Madkur, tahqiq Qanavotiy va Said Zoid. -Qohira, 1960. 478 sahifa (ikki jild).
13. Ibn Sina. DANISh-NAME / Per. A.M.Bogoutdinova. Stalinabad.
14. Ibn Rushd. TAXOFUT AT-TAXOFUT / Doktor Sulaymon Dunyo tahriri ostida. –Qohira: Darul ma'orif, 1964. –536 b.
15. ISAKDJANOV, R. (2019). RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES. The Light of Islam, 2019(3), 8.
16. Yo'ldosh Jumaboev. O'ZBEKISTON FALSAFA VA AXLOQIY FIKRLAR TARAQQIYoTI TARIXIDAN. -T.: O' qituvchi, 1997.
17. Mukhamedov Nematullo & Turambetov Nurulloh (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105.
18. Muxamedov N.A. (2014) Idei tolerantnosti i gumanizma v deyatel'nosti uchyonix sufiev oazisa Tashkent. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosphera.com/files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57(in Russ).
19. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. *Archive of Conferences*, *9*(1), 205-208. Retrieved from https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371
20. Nizomiddinov, N. G. Istoriya tyurkoyazichnoy literaturi Indii vremen pravleniya Baburidov (XVI-XIII vv.).
21. Rahimjonov, D. (2019). The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization. The Light of Islam, 12.
22. Ra'no, T. U. (2017). RELIGIOUS AND SOCIAL THOUGHTS OF THE PEOPLE OF ANCIENT INDIA, CENTRAL ASIA AND IRAN. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.
23. Sagadeev A.V. IBN RUShD. – M.:Nauka. 1973.
24. ISLOM TAFAKKURI TARIXIDAN / Tarj.: N.Qodirzoda. -T.: Minhoj, 2003. – B. 102.
25. Turdiyeva, Dilafruz (2020) "FROM HISTORY OF MALAYSIEN EDUCATION SYSTEM," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 20. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/20
26. Ulrix Rudolf. AL-MOTURIDIY VA SAMARQAND SUNNIYLIK ILOHIYoTI. "Imom Buhoriy" va "Fridrix Ebert" jamg' armasi. -T.: 2002.
27. XIVAR AL-BIRUNI VA IBN SINA. Abdulkarim al-Yafi. – Damashq: Darulfikr, 2002.
28. Xudoyberganova, G. (2019/1). GLOBALLAShUV ShAROITIDA ISLOM MA'RIFATINI ShAKLLANTIRISh MASALASI. GLOBALLAShUV ShAROITIDA VATANPARVARLIK TARBIYaSINING MA'NAVIY-MA'RIFIY TEXNOLOGIYaLARI (pp. 69-72). Tashkent: O' zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
29. Ernazarov, O. K. (2014). HOZIRGI DAVRDA DIN VA JAMIYaT MUNOSABATLARIDA BARQARORLIKNI TA'MINLAShNING AHAMIYaTI. In Sborniki konferensiy NIS Sosiosfera (No. 55, pp. 40-45). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
30. E. Renan. SOBRANIE SOChINENIY. –Kiev, 1960. T.8. –S. 70.
31. Ernazarov, O. (2018). The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty. The Light of Islam, 201 8(1), 11.
32. Qo' shoqov Sh.S. DIN, FALSAFA VA FANDA IJOD MUAMMOSI. Monografiya.-T.:Fan,2001.
33. G' azzoliy. TAXOFUT AL-FALASIFA / Doktor Ali Bumalxu tahriri va sharhi ostida. –Bayrut: Daru va maktabul xilal, 2002.